

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 18 DEKABR, JUMA, 151 (7612) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi keilshilgan narxda.



Жаҳонга машхур халқаро "The Banker" журнали томонидан ўтказилган анъанавий танловда "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки 2009 йилда ҳам Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб эътироф этилди ва "Йил банки" сертификатига сазовор бўлди.



Қадим-қадимдан тилдан-тилга ўтиб келаётган ҳикмат бор: "Сув келтирган элда азиз". Сув келтирганни қанчалик эъзозласак, сувни исроф қилмай ва яна ундан оқилона фойдаланувчиларни ҳам шу қадар хурматласак арзийди.



Сирдарё вилояти ўрмон ҳўжалиги жамоаси ташаббуси билан Боёвут разъезд-Ипакчилик қишлоғи кесимидаги 18 гектарлик қаровсиз ерни Боёвут туманлараро "Кимётаъминот" базаси филиали жамоаси оталиққа олди. Шу тарзда Гулистон-Янгиер темир йўли йўналишидаги йўл ёқасида майдонларни қора шўра, янтоқ ва туяқоринлардан тозалаш, текислаб, шудгорлаш ишлари авж олдириб юборилди.

Наманган Вилояти

ХОНОБОДГА ЯРАШГАН ЯНГИ КОТТЕЖЛАР

Наманган тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Ўш магистраль йўли бўйида "Хонобод экспериментал шаҳарчаси" номи билан бир ярим гектарга яқин майдонда замонавий лойиҳа асосида турар-жой бунёд этилаётир.

Хонобод қишлоғида қад ростлаётган мазкур аҳоли пунктида "Бинокор таъмир-қурилиш инвест" масъулия-ти чекланган жамияти қурувчилари ўттизта икки қаватли коттежни йил якунига қадар, яъни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили дастури ижросининг бир мисоли сифатида фойдаланишга топшириш мақсадида жадал суръатда меҳнат қилаётир.

Мазкур объект "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Наманган минтақавий филиали буюртмаси асосида барпо этилмоқда.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар. СУРАТДА: Ўз ишининг устаси Абдурахим Шобобов.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларни миллий сайлов қонунчилигини ўзлаштириш, сиёсий партияларнинг сайловда иштироки, сайловолди ташвиқотини юритиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиши ҳамда депутатларнинг сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланиш тартиби ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа муҳим масалалар билан таништиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ НАШРЛАР

Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда миллий сайлов қонунчилигини бағишланган рисола туркуми ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Мазкур рисола туркуми тейёрлашга ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари жалб қилинди. Рисола туркуми ҳар бири миллий сайлов қонунчилигининг алоҳида жиҳатларига бағишланган.

Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги қонунчилик ва унинг демократик жиҳатдан такомиллаштирилиши" мавзусидаги рисолада мамлакатимиз парламентига депутатларни сайлаш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, парламент сайлови тўғрисидаги қонунларнинг мустақиллик йилларида босқичма-босқич такомиллаштирилиши ва аҳамияти очиб берилган. "Сайлов ва сиёсий партиялар" рисоласида юртимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари баён этилган, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинган.

"Сайловолди ташвиқоти" рисоласида сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, миллий қонунчиликда ташвиқотни ўтказишнинг асосий қоидалари ва ушбу жараён иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда ривожланган хоржий давлатларнинг тажрибаси баён этилган.

"Сайлов ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати" рисоласида мамлакатимизда экология соҳасидаги давлат нотиҳорат ташкилотларининг ташкил топиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурий мақсад ва вазифалари, "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларининг мазмун-моҳияти ёритилган.

"Сайлов жараёни ва ошқоралик", "Округ сайлов комиссияси: ташкилий-ҳуқуқий масалалар", "Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов: саволлар ва жавоблар", "Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари", "Парламент сайловида оид атамаларнинг изоҳи лўғати", "Участка сайлов комиссиялари: ташкилий-ҳуқуқий масалалар" каби рисолалар қонунчилик меъёрларини тушунтиришга бағишланган.

Умуман, рисола туркумида мамлакатимизда сайловни ўтказишга оид асосий тамойиллар, сайлов жараёнига, унинг ошқоралиги ва очкичилиги, халқаро сайлов стандартлари ва уларнинг миллий қонунчилигимизга сингдирилишига оид масалалар кенг ёритилган. Мухими, барча маълумотлар аниқ ва тушунарли тилда баён этилган.

Мазкур адабиётлар булажак сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда катта амалий аҳамият қосаётди. Марказий сайлов комиссияси томонидан барча округ ва участка сайлов комиссиялари ушбу рисола туркуми билан тўла тяминланди. Ҳар бир фуқаро ўз сайлов участкасида мазкур рисола билан танишиш, миллий сайлов қонунчилигини ҳақиқатда ўз билимини бойитиш ва парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловга оид ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб топиш имконига эга бўлди.

(ЎЗА)

Куннинг муҳим воқеалари

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг Самарқанд вилояти босқичи якунланди. Кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 1200 нафарга яқин қиз иштирок этди. Улар орасидан саралаб олинган 71 нафар истеъдодли қиз вилоят босқичида адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Жиззах вилоятида мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда ўқувчиларнинг маълумоти мустақиллигининг тараққиёт босқичларида доир билимлари билан бирга замонавий ахборот воситалари — интернет ва мобиль телефондан фойдаланиш маданияти бўйича тушунчалари синодан ўтказилди.

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Республика репродуктив саноатлиқ маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Собир Раҳимов тумани Фуқаролик ҳолатларига долатнома ёзиш бўлими (ФХДЕ) билан ҳамкорликда ўшар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саноатлиқни мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон кўйрақ театраларининг VIII анъанавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЯНГИ АВЛОД ЖАМИЯТИМИЗГА ЯНГИ ТЎЛҚИН БЎЛИБ ҚЎШИЛДИ

Телевидение орқали интервью берётган йигитнинг "Мен мустақиллик эълон қилинган йили Чуст туманидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги 3-ўрта мактабнинг 1-синфига қабул қилиндим", деб бошлаган жумласи диққатимни тортиди. Бугунги кунда Тошкент давлат юридик институтида талабаларга сабоқ бериш билан бирга ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган Улугбек Хусанов сингари ёшлар том маънода истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб улғайган, истиқлол йилларида камолга етган авлод вакиллари, десак янглишмай-миз. Улугбек ўқувчилик пайтидаёқ ўз иқтидорини намойиш этиб, ҳуқуқ фани бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика олимпиадаси ғолиби бўлди ва олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинди. Талабалик йилларининг қимматли лаҳзаларини елга соғурмади, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб билимини кенгайтирди, ўз устида тинмай изланди. Шу изла-



нишлар самараси ўлароқ бир неча илмий мақолалар эълон қилди, қатор рисолалар чоп эттирди. Қувонarli-си, Улугбекнинг уқаси Азизбек ҳам эл-юрт равнақига ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган ёшлардан.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти бўлган Азизбек ҳам долзарб мавзудаги илмий мақола ва рисолалари билан соҳа мутахассисларининг эътиборига тушди. Президент стипендиаси совриндори бўлди. Улугбек ва Азизбек сингари ёшларнинг эришган ютуқларини кўриб, қалбимизда фахр-ифтихор туямиз. Истиқлол йилларида ёшлар камолоти йўлида амалга оширилган ислохотлар беса-мар кетмаганига ишонч ҳосил қила-миз. Мамлакатимизда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш ва шу номла-ни асосида Давлат дастури ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш яқин анъанага айланган. Ҳар йили Бош Қому-симиз қабул қилинган кун арафаси-да юртдошларимизда келаётган йил қандай номланаркан, деган қизиқиш уйғониши ҳам бежиз эмас. Ёш авлод тарбияси масаласи давлатимиз, шахсан Юртбошимиз-нинг диққат марказида тургани, бу мавзу барча амалларимизнинг маз-мун-моҳиятида муҳим экани бе-жиз эмас. Мухими, бугун ҳар бир юртдошимиз бу хайрли ишларга қўшилган туйғуси билан нафас олмоқда. Зеро, ҳар бир миллат ўз келажагини ёшлари тимсолида кўради. Келажаги ҳақида қайғурган миллат ёшлар тарбиясини ҳаёт-ма-мот масаласи деб билади. (Давоми 2-саҳифада)

Навоий Вилояти

Вояга етмаганларга ёрдам

Навоий шаҳрида Вояга етмаганларга ијтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази иш бошлади.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар муҳассам.

— Ушбу марказни ишга туширишдан мақсад вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди вилоят ИИБ бошқарма бошлиғи, подполковник Отабек Шамсиев. — Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 31 нафар ўсмир қўшни вилоятлардаги ијтимоий кўника-марказларига юборилган. Шу давр ичиде вилоят ИИБ ходим-лари томонидан ўзбошимчилик билан оиласини тарк этган 778 нафар бола хизмат хоналарига олиб келинган. Энди шун-дай болалар мазкур марказда, махсус тарбиячилар назорати остида яшаб, таълим-тарбия олишлари мумкин.

Янги марказдаги шинам хоналар барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда болаларнинг вақтинча яшаши, тарбияла-ниши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва спорт билан шуғул-ланиши учун етарли шароит яратилган.

Марказнинг очилишида Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Еркул УМАР, ЎЗА муҳбири

Сирдарё Вилояти

Гулистон шаҳрида "Юрагимни болаларга бағишладим" деб номлан-ган кўрик-танловнинг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилиқ болалар жамғармаси томонидан ўтказилаётган кўрик-танловда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари, Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" жамоалари иштирок этди.

«Юрагимни болаларга бағишладим!»

Мазкур танловни ташкил этишдан мақсад эътибор ва меҳрга муҳтож ўғил-қизлар тарбияланаётган муассасалардаги шарт-шароитларни янада яхшилаш, тарбиячиларнинг илгор иш услубларини ўрганиш ва оммалашти-риш, касбий кўникама ва малакалари-ни ошириш, уларни рағбатлантириш-дан иборат.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари жа-моалари томонидан тайёрланган кўргазмалы материаллар, ушбу муас-сасалар фаолияти тасвирланган фо-тосуратлар, Меҳрибонлик уйлари ва "Болалар шаҳарчаси" ҳаёти, унда тар-бияланаётган ўғил-қизларнинг кунда-лик турмуши акс этган видеолаваҳ-лар, тарбияланувчилар ишлаган тас-вирий санъат асарлари намойиш қилинди.

Танловда Гулистон шаҳридаги "Бо-лалар шаҳарчаси" жамоаси олий ўринга сазовор бўлди. Бухоро шаҳри-даги 32-Меҳрибонлик уйи биринчи, Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи иккинчи, Тошкент вилояти Бўка туманидаги 15-ҳамда Самарқанд ша-ҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи жамола-ри учинчи ўринни эгаллади. "Энг яхши тарбиячи" йўналишида самар-қандлик Камола Фаниева биринчи ўринни қўлга киритди.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА муҳбири

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

ОБУНА - 2010

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!
"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таъдирини ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан навад пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда палестик картонка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЯНГИ АВЛОД ЖАМИЯТИМИЗГА ЯНГИ ТЎЛҚИН БЎЛИБ ҚЎШИЛСИН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

"Маънавият" нашриётида чоп этилган "Президентга мактублар" китобининг иккинчи жилдидан ҳамқўшиқим — ўқитувчи Арсофатал Жўраев йўлаган мактуб ҳам жой олибди. Мактубда шундай дил изохорлари битилган: "Сизнинг татлим соҳасида олиб бораётган ислохотларингиз туфайли бизнинг қишлоғимизда ҳам уч қаватли иқтисодиёт коллежи қуриб ишга туширилди. Иқтидорли ўқувчилар учун лицей ҳам очилди. Қишлоғимизнинг юзлаб болалари ўқийтган бу даргоҳларда яратилган шароитни кўриб, ҳам ҳавасимиз келади, ҳам фахрланамиз". Бу эътирофни юртимиздаги барча қишлоқларга ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин. Ахир бундан бир неча йиллар бурун чекка қишлоқларда ҳам замонавий ўқув масканлари қад кўтарди, янги мактаблар иш бошлади деса, кўпчилик ишонмасди. Не ажабки, бугун бунинг иқобатиға гувоҳ бўлиб турибмиз. Жорий йилда мамлакатимизда янги қурилган ва реконструкция қилинган 1 минг 957 та мактабнинг 1 минг 622 таси, 214 та академик лицей ва касб-хунар коллежининг 170 таси қишлоқ жойларда экани бу борадаги ютуқларимиз салмоғини кўрсатади.

Жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур бўлган энг муҳим чора-тадбирлар аниқ белгилан берилди. Жумладан, унда таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, ўқувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришининг самарали тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Илм-фани ривожлантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва олий таълим муассасаларида истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланishлар олиб бориш учун лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам йил дастуридан мустаҳкам ўрин олади.

Келгуси йилга Баркамол авлод йили деб ном берилиши бежиз эмас. Баркамол авлод ақлдан, маънан, жисмонан етук авлод демакдир. Истиқлол йилларида ўсиб-ўлғайган авлод орасида бундай ёшлар жуда кўпчиликини ташкил этади. Бугун улар айти қўнға тўлган, иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз иқтидори ва имкониятларини ишга солишга, юрт равнақиға ҳисса қўйишга тайёр. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларға имконият бериш эса бизнинг бурчимиз. Токи, улар юрағида жўш уриб турган ғайрат-шижоат жамиятимизнинг ҳар бир жаҳаси ривожига янги тўлқин бўлиб қўшилсин.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА



Фермерлар иштирок этишди. Истикболдаги режалар, амалға ошириш лозим бўлган вазифалар хусусида гап борди. Айтилдики, фермерлар билан қайта ишловчилар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, хўжаликларнинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш, махсуддорликни ошириш бугуннинг дозарб масалаларидандир. Шунингдек, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Вазифалар ижроси, пировард мақсадимиз турмуш фаровонлиғиға хизмат қилади.

Жуманазар АНОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиғида ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалға оширилаётган ишлар ўз натижасини бермоқда. Ана шундай амалий ҳаракатлар самараси ўлароқ, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида етакчи кучға айланди. Уларнинг янада самарадорликка эришишиға эса кенг имкониятлар яратилмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиғи йили" Давлат дастурида фермер хўжаликларига инвестициялар жалб этиш, замонавий минитехнологиялар ва ускуналарға асосланган қайта ишлашни кенгайтириш асосида янги иш ўринларини ташкил этиш белгиланган эди.

Сурхондарё Вилояти

Ихчам ва илғор технологиялар

Улар фермерлар фаолиятида қайта ишлаш ва самарадорликни оширишда асосий омили бўлаёттир

Таъкидлаш жоизки, бу борада мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғида алоҳида ўрин тутувчи ҳудудлар — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам қатор ишлар амалға оширилди. Кўпгина фермер хўжаликларига аҳолининг озиқ-овқат махсудотларига бўлган талабини қондириш мақсадида асарларчилик, паррандачилик, балиқчилик каби янги йўналишлар йўлга қўйилди. Янги, замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган цехлар фаолият бошлади. Бу борада эса аънавий ўтказиб келинаётган, жорий йилда ҳар бир ҳудудларда ташкил этилган қишлоқ хўжалиғи учун ми-

нитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган кўرғазмалари муҳим аҳамият касб этаёттир.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллиғиға бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганларидек, "Қишлоқ тараққиёти, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган гояни ўзида мурасам этган ушбу дастур, нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узок муддатли истиқбол учун белгиланган. Демакки, амалға оширилаётган ишлар силсиласи давом этажак.

Ана шундай тамойиллардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлиғида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан "Фермер хўжаликларини фаолиятиға қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш" мавзусида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун ҳудудий семинар ташкил этилди.

Анжуманда соҳаға тегишли идоралар вакиллари, мутахассислар ва

фермерлар иштирок этишди. Истикболдаги режалар, амалға ошириш лозим бўлган вазифалар хусусида гап борди. Айтилдики, фермерлар билан қайта ишловчилар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, хўжаликларнинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш, махсуддорликни ошириш бугуннинг дозарб масалаларидандир. Шунингдек, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Вазифалар ижроси, пировард мақсадимиз турмуш фаровонлиғиға хизмат қилади.

Жуманазар АНОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлиғини ошириш масаласиға устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган.

Янги иш ўринлари яратилмоқда

Шунга мувофиқ жорий йилнинг ўтган ойларида вилоятдаги иқтисодий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантириш ҳисобига 4 мингдан ортиқ корхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари иш бошлади. Бу ҳақда Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бosh бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Бердиқуллов қўйидагиларини сўзлаб берди:

— Янгидан ташкил этилган корхоналарда 79450 та иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 58 мингдан ортиқроғи аҳолини иш билан таъминлаш дастурларига мувофиқ, 27 мингдан ортиқроғи эса иқтисодий инкирозға қарши ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳисобига шакллантирилди.

Биргина Самарқанд туманида 5490 та иш ўрни яратилган бўлиб, унинг аксарияти саноат ривожланган ҳудудларида ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, ноозик-овқат махсудотлари ишлаб чиқариш, уй меҳнатини шакллантириш ҳамда иқтисодий инкирозға қарши ишлаб чиқилган дастурларға киритилган чора-тадбирлар параметрлари ҳисобидан бажарилган.

Дарҳақиқат, иш ўринларининг салмоқли қисми Самарқанд шаҳри, Каттақўрғон, Пайарик, Пастдаргом, Ургут ва Самарқанд туманлари ҳиссасиға тўри келади. Шуниси диққатта сазоворки, йирик саноат ишоотларида импорт ўринини босувчи экспортбоп махсудотлар тайёрланмоқда. Масалан, Самарқанд туманидаги "Сам-Рос-Холд" қўшма корхонаси россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган бўлиб, дастлаб уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаради. Хозирда эса корхонада деворбоп ва том ёпишда ишлатилаётган 20 турдаги замонавий қурилиш материаллари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Қарийб бир миллион юз минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб қилиниб, корхонаға хориждан илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Сарф-харажатларнинг арзонлиғи, электр энергиясини кам истеъмол қилиши ва буг қўзонларнинг кўмирга мослаштирилганлиғи сабабли тайёрланаётган махсудотларнинг таннархини арзонлаштиришға эришилляпти.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона Вилояти

НАВРЎЗДАН БЕЖИРИМ ЖИҲОЗЛАР

Ўзбекистон туманидаги Фуломжон Шерматов раҳбарлик қилаётган "Наврўз" хусусий корхонасининг бежирим мебель жиҳозлари нафақат Фарғона водийси, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам харидорғир бўлиб бормоқда.



Ҳозир бу ерда 50 турдан ортиқ мебель ишлаб чиқарилмоқда. 35 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган мазкур жамоада жорий йилнинг ўтган даврида 120 миллион сўмлик махсудот тайёрланди.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Зоҳрўх Мадумаров иш лайтида; "Наврўз" хусусий корхонасининг тайёр махсудотларидан Намуналар.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

"АГРОБАНК" ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ

Жаҳонға машҳур халқаро "The Banker" журналин томонидан ўтказилган аънавий танловда "Агробанк" оқиқ акциядорлик тижорат банки 2009 йилда ҳам Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб эътироф этилди ва "Йил банки" сертификатига сазовор бўлди. 1926 йилда ташкил топган ушбу халқаро журнал 10 йилдан буйн танлов ўтказиб, дунёдаги қўллаб мамлакатларнинг энг яхши молия муассасаларини аниқлаб беради.

Ушбу халқаро журнал голибларни аниқлашда молия муассасасининг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андозалари даражасиға кўтариш орқали молиявий барқарорлиғини таъминлаганлиғиға, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган юксак ишончини янада оширишға йўналтирган фаолиятиға асосий эътиборини қаратадилар.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Президентимизнинг жорий йил 30 мартидаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этиш тўғрисида" ги қарорига асосан ташкил этилган эди. Иқтисодиётнинг аграр секторини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиғида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларға кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш ушбу молия муассасасининг асосий вазифаси этиб белгиланган. "Агробанк" ҳозирда 13 та вилоят бошқармалари, 186 та туман филиаллари ва 720 та мини банкка эға бўлган йирик универсал банкдир.



ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 17 йиллиғиға бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келгусида амалға оширилажак ишлар хусусида тўхталар экан, айтин пойғида касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртарини битириб чиқоётган ёшларимиз эғлаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасиға кенг жалб қилиш масаласиға принципал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор, дея алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ёшлар — келажакимиз. Уларнинг баркамол — ҳар томонлама етук бўлиб вояға етишишлари учун мамлакатимизда кенг шароитлар яратилмоқда. Бугунги давр, хусусан, жаҳонда кечяётган молиявий-иқтисодий инкироз ҳулосаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиётнинг таянчи бўла олади. Демак, келажакки порлоқ соҳанинг ривожланишида ёшларнинг ўрни кебюёс бўлиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда ёшларға қаратиладган эътиборни, узокни қўзаланган ишлар силсиласини, мана бир неча йиллардан буйн аънавий ўтказиб келина-

ётган "Ёш тадбиркор — юртға мададкор" танлови мисолида ҳам кўриш мумкин. "Қамолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Микрокредитбанк" оқиқ акциядорлик тижорат банки ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлиғида ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда минглаб ёшлар иштирок этиб, ўзининг бу борадаги салоҳияти, иқтидорини намойиш этмоқда. Шунинг баробарида яна минглаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонмоқда.

Ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳларға 1253 нафар ёш тадбиркор ариза билан муржаат



этиди. Уларнинг 1192 нафарига тавсиялар берилиб, жами 2383,7 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди. Жорий йилда танловнинг ҳудудий босқичларида 2500 нафардан зиёд ёш тадбиркор иштирок этиди. Шундан республика босқичиға 80 нафари йўналма олди. Танловнинг республика босқичида 27 нафар ёш тадбиркор голиб деб топилди. Ўзбекистон Банклар ассоцияциясида

Қашқадарё Вилояти

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Қарши шаҳрида республика Адлия вазирлиғи томонидан ташкил этилган тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тобора юксалтириш, қишлоқ ҳудудларидаги ёшлар ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масаласиға бағишланди.

Унда Адлия вазирлиғи, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси вакиллари, маҳаллалар фаоллари, шунингдек, талаба ёшлар иштирок этишди.

"Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қалолати", "Сайлов демократия кўзгуси" мавзуларида маърузалар тингиланди.

Бир гуруҳ ёшларға Адлия вазирлиғи ҳамда вилоят адлия бошқармасининг Фаҳрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди. Қизиқарли саволларға батафсил жавоблар олинди.

Ўз мухбиримиз.

Қашқадарё Вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик картоқчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қароридан вилоят ва туман марказлари, шаҳарлардаги савдо тўлов хизматларини амалға оширувчи объектларни босқичма-босқич тўлов терминаллари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

АСОССИЗ ТЕКШИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАДИ

Шунингдек, унда вилоят ва туман ҳокимликлари, солиқ органларининг бу соҳадаги вазифалари белгилан берилган. Чунинча, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни пластик картоқчалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини мавжудлиғи ҳамда улардан мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш лозимлиғи қайд этилган. Баъзи ҳўларда савдо ва назорат-касса машиналари ҳамда пластик картоқчалардан фойдаланганда тўловларни қабул қилишдан буйн товлаш ҳўлатлари ҳам рўй беради. Шундай ҳўлатлар аниқланганда айбдор шахсларға нисбатан қўнға мувофиқ жавобгарлик чоралари қўллаш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўловларни пластик картоқчалар орқали амалға оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масаласини хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳал этиш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳар бир минтақда мижозларнинг аризалари, жумладан, "ишонч телефонлари" орқали мурожатлари зудлик билан текширилишини ташкил этиш топширилган.

Давлат солиқ хизмати органлариға тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритишлари учун янада қулай шарт-шароит яратиш, уларни асосий фаолиятдан қалғитмаслик, режалар ва режадан ташқари тартибда текшириладиган ҳўжалик юритувчи субъектлар сонининг ҳар ой, чорак ва йил якуни бўйича ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 30 фоизга кам бўлишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бу борада Қашқадарё вилоятида назорат органлари томонидан ўтказилган барча буйндаги текширишлар сонини камайтириш тенденцияси сақлаб қолинди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 542 та ҳўжалик юритувчи субъектларда режалар ва режадан ташқари текширишлар ўтказилди. Бу ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 507 таға ёки 51 фоизга кам демакдир. Режалар текширишлар 447 таға, режадан ташқари текширишларнинг эса 122 таға камайишиға эришилди.

Солиқ органлари томонидан ўтказилаётган режалар текширишлар сони ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 62 фоизга камайтирилди. Назорат органлари томонидан рухсатсиз текширишлар ўтказилишиға йўл қўйилмади. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар хусусида вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорларни хабардор қилиш ва атрофича тушунтириш мақсадида вилоят ва туман (шаҳар) ҳудудий комиссиялари томонидан ўтказилган семинар-йўналишларда 28 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ча энг яхши лойиҳа" номинациясида голиб бўлди. Ёш тадбиркорнинг таъкидлашича, у бизнес лойиҳаси орқали "Микрокредитбанк" дан 1 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли кредит олишға эришилди. Энди ушбу сармоа асосида миллий хўнармандчиликни янада ривожлантирмоқчи.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Ойшабону" ўқув марказида фаолият юритиб келаятган Гулноза Исмоилова-нинг бизнес лойиҳаси ташкилотчиларға ниятда маъқул келди. Қишлоқда хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг мақсад қилган Гулноза уч миллион сўм фойдасиз олган кредитиға компьютер анқомлари, тикув машиналари сотиб олди. Ишни янада ривожлантириб юборди. Танловда Гулноза "Чекка қишлоқдаги энг яхши тадбиркор" номинацияси голиби бўлди.

Бу каби танловлар ёшларда келажакка янада ишонч туйғусини мустаҳкамлайди. Уларнинг тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришдаги шижоатини юксалтиради. Юрт тараққиётиға хизмат қиладиган ҳар бир ташаббус, ҳар бир тадбир хайрдидир. Демакки, ушбу танловни ҳам шундай аташ мумкин.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон Вилояти

СУВ — ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТИ

уни исроф қилиш оғир гуноҳ, тежаганнинг ишида эса барака бўлади

Бахтиёр Йўлдошевнинг ҳузурдаги мулоқотимиз мавзуси қишлоқ ҳўжалиги хусусида бўлди. У вилоят прокуратурасининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи сифатида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Сув ҳўжалиги, ирригация-мелиорация тадбирларининг изчил амалга оширилиши ва сўғориш ишларининг бориши долзарб мавзу. Андижон вилотида бир қарч ернинг ўрни қанча юқори бўлса, сувнинг ҳам шу қадар қадри баланд. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбари Абдумалик Абдуллаев ҳам шу



мавзудаги сўхбатимизга қўшилди. У киши ҳам худди Бахтиёр Йўлчиев сингари қишлоқ ҳўжалиги тақдирига бефарқ қарамайдиган фидойи мутахассис экан.

— Ҳали ҳануз баҳордаги воқеалар ёдга тушса, ҳўшёр тортаверамиз, — дейди Абдумалик ака. — 2009 йил бошлариданоқ қишлоқ ҳўжалигида оғир йил бўлиши — сув танқислиги муаммосига дуч келишимиз мумкин деган хавотир бор эди. Бу айниқса, бизни ўз вазирамизга янада масъулият билан ёндашишга ундаб турарди. Сувнинг томчисини ҳам исроф қилмай сарфлаш йўллари қидирардик. Ирригация-мелиорация тизимидagi муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, сўғориш ишларини ота-боболаримиз тажрибаларига таяниб, қолаверса, жаҳонда синовдан ўтган андозаларга мос тарзда амалга ошириш борасида қатъий чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори бандларидан бири ҳам айнан шу муаммони бартараф этишга хизмат қилди. Ушбу қарорда вилоятда томчилатиб сўғориш технологиясини жорий этиш вазифаси қўйилганди. Сув танқислиги ҳавфи йилдан-йилга кучайиб бораверишини ҳисобга олсак, бу қарорнинг аҳамияти жуда муҳим.

Тўғри, йил бошидаги бободоҳқонларнинг хавотирини Яратганнинг ўзи меҳрибончилик қилиб бартараф этди. Ёгингарчилик қутилмаганда мўл-кўл бўлди. Ариқ-зовурлар сувга тўлди. Хирмонлар ғаллаю пахта билан тўлиб кетди. Кузнинг қуёшли кунлари шу қадар кўп эдики, андижонликлар ўзи етиштирган пахта хомашёсини охириги мисқолларига-ча териб олиш имкониятига эга бўлишди. Юз минг гектар майдонда пахта етиштирилиб, йиллик режа 108,5 фоизга адо этилди.

— Ҳар йили ҳам ёгингарчилик бу йилгидек сероб бўлади, деб ўйла-маслик керак, — дея фикрини да-

мани Жўраполвон массиви худудида жойлашган «Даврон» агрофирма-сида 5,5 гектарлик иссиқхоналарда томчилатиб сўғориш технологиясини асосида сабзавот экинлари етиштириш бўйича юқори натижаларга эришилди.

Шунингдек, Хўжабод, Бўз ва Улуғнор туманларида ҳам ушбу технологияни жорий этиш учун Тошкент ирригация ва мелиорация институти билан ҳамкорликда «Хўжабод ҳосили барака» фермер ҳўжалигида 10 гектар пахта ва 30 гектар боғ, Бўз туманидаги «Шокир ота» фермер ҳўжалигида 5 гектар, Улуғнор туманидаги «Ишонч» фермер ҳўжалигида 5 гектар пахта майдонларида шу усулда сўғориш

технологиясини йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб вилоятдаги томчилатиб сўғориладиган майдонлар 74 гектарни ташкил этади. Аҳамиятли томони шундаки, бу илғор тажриба бошқа туманлар фермер ҳўжаликлари-ни ҳам қизиқтириб қолди. Масалан, Избоскан туманидаги «Дониёр

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури — амалда

боғи» фермер ҳўжалигининг 5 гектар боғ майдонларида шу технологияни жорий этиш учун курилиш-монтаж ишлари олиб бориладиган. Андижон, Жалақудуқ ва Пахтабод туманларидаги боғдорчиликка-ихтисослашган 7 та фермер ҳўжаликлари-нинг 27,5 гектар боғ ва узумзор майдонлари ҳам томчилатиб сўғориш технологиясини жорий этиш мақсадида тижорат банкларидан кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрланди.

Агар ёдингизда бўлса, «Қишлоқ ҳаёти» газетамизда ҳам сўнги йилларда томчилатиб сўғоришнинг нақадар долзарблиги хусусида мақола-лар босилган эди. — Жанубий Корейанинг «NAMKYUNG» компанияси билан 82,3 миллион сўмлик томчилатиб сўғориш технологияларини олиб келиб ўрнатиб бериш бўйича шартнома тузилган, — дейди сўхбатдошимиз Абдумалик Абдуллаев. — Унинг томчилатиб сўғориш асосида иш олиб бораётган фермерлар тажрибаси ҳақида батафсилроқ фикр юритиш хусусидаги таклифи ҳам бизни қизиқтириб қолди...

Вилоятда 273 минг гектар сўғориладиган майдоннинг 100 минг гектари пахта, 83 минг 700 гектари ғалла, 4,6 минг гектари сабзавот, 28 минг гектари боғ ва тоқзор, 3 минг гектардан зиёдроғи дон ҳамда

озуқа учун макка, 51 минг гектари эса томорқа ва бошқа экинларни ташкил этади.

Экин майдонларини сув билан таъминлаш учун давлат тасарруфидagi ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳисобидagi сўғориш, зах қочириш тармоқлари ҳамда насос станциялари, насос агрегатлари ва қудуқлар хизмат қилади. 2009 йил вегетация мавсуми учун 2 миллиард 20 миллион, шу жумладан, сўғоришга 1 миллиард 800 миллион кубометр сув лимити ажратилган эди. Вегетация мавсумида қўшимча манбалар ҳисобига ажратилган лимитга нисбатан беш фоиз кўп миқдорда сув етказиб берилди.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида 230 километр ҳўжаликлари-

ро, 700 километр ички ҳўжалик сўғориш тармоқлари механизмлари ёрдамида тозаланган бўлса, 3 минг 187 километр ички ҳўжалик сўғориш тармоқлари, яъни ариқлар қўл кучи билан тозаланди. 422 та ҳўжаликлар-ро ва 443 та ички ҳўжалик сўғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотлар, 481 та ҳўжаликларро, 1320 та ички сўғориш тармоқлари-даги гидростанциялар таъмирланди.

Бўз туманидаги Яйпан канали-нинг сув ўтказишини кўпайтириш мақсадида каналнинг 2,5 километр масофасини кенгайтириш, 2 кило-метр қисмини бетон плиталар билан қоплаш ишлари амалга оширил-моқда. Бу ишлар якунига етгач, ту-маннинг Ўзбекистон ва Янги ҳаёт массивларидаги 1200 гектар экин майдонларида сув таъминоти яхши-ланади. Избоскан туманида эса шу ном билан аталувчи массивдаги пахта ва ғалла етиштирувчи фермер ҳўжаликлари учун сув таъминотини яхшилаш мақсадида Катта Фарғона каналига секундида 300 литр миқ-дорда сув чиқарадиган насос стан-цияси ўрнатилиб, у орқали 1800 метр узунликдаги, диаметри 530 миллиметрли темир қувурлар ёрда-мида обихаёт келтирилди.

Хўжабод туманидаги Манак қишлоқ фуқаролар йиғини худуди-да жойлашган Имом ота тоғ тизма-сидаги табиий булоқ сувини қишлоқ ҳўжалиги экинларини сўғ-оришга йўналтириш учун 2 километ-ру 600 метр узунликда канал қурил-ди. Секундида 400 литр обихаёт чи-киб турувчи булоқ суви бошқа худудларга оқиб кетарди. Канал очиш учун 829 куб тупроқ иш-ларини бажаришга ўн ой кифоя қилди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, тоғ-адир орасини ёриб ка-нал қазилди. Булоқдан табиий кўлга чиқаятган суви бошқариш учун қўлдан каналга сув олиш иншооти ва унга қўшимча ташлама иншооти қурилиб, жиҳозланди. Бу хайри-ишни амалга оширишда ўндан



вом эттиради Абдумалик ака. — Бу муаммонинг йилдан-йилга долзарб-лашиб бораверишини ҳисобга олиб, қатъий чора-тадбирлар кўриш режа-лаштирилган.

Дарҳақиқат, томчилатиб сўғориш бўйича ҳам вилоятда дастлабки қадамлар қўйилди. Андижон тумани Т.Мирзаев массиви худудида жой-лашган «Андижон коммунал сервис» масъулияти чекланган жамияти ўз маблағлари ҳисобидан 16 гектар майдонда сабзавот ва полиз экин-ларига иссиқхона шароитида томчи-латиб сўғориш технологиясини жор-ий этди.

Бу усул қутилганидан ҳам зиёда самара берди. Асака туманидаги «Хорун ар Расул» фермер ҳўжали-гида 2,5 гектарлик, Булоқбоши ту-

ортиқ экскаватор, бульдозерлардан фойдаланилди. Канал қурилишида механизмларни Гурунчмозор нефть базаси унитар корхонаси узулқисз ёнилғи-мўйлаш материаллари билан таъминлаб турди. Канал қури-лиши муносабати билан туманнинг Абдулла Қаҳҳор массивидаги фер-мер ҳўжаликлари экин майдонлари ва аҳоли томорқаларидан иборат 600 гектардан ортиқроқ майдонда сув таъминоти яхшиланди.

— Жорий йилнинг 10 декабрь хола-тига кўра 21,7 километр магистраль коллекторлар реконструкция қилин-ди. 7 дон янги тик қудуқ қурилиб, учта эски қудуқ қайта тикланди. Улуғнор туманидаги мелиоратив на-сос станцияси реконструкция қилин-ди. Амалга оширилган иррига-ция-мелиорация тадбирлари нати-жасида вилоятдаги 12 минг гектар-дан ортиқроқ майдонлардаги сизот сувлари сатхи 1,5-2 метргача пасай-иб, меъёрий ҳолатга келтирилди.

Қадим-қадимдан тилдан-тилга ўтиб келаятган ҳикмат бор: «Сув келтир-ган элда азиз». Сув келтирганни кан-чалик эъозласак, суви исроф қил-май ва яна ўндан оқилона фойдала-нувчиларни ҳам шу қадар ҳурматла-сак арзийди. Демак, аҳолига, айниқ-са, ёшларимиз онгига сув Аллоҳнинг муқаддас неъматини эканини қайта-қайта ўқитиб, уни исроф қилиш эса оғир гуноҳ бўлишини синдиришимиз лозим. Шунинг унутмайлики, ҳозирги кўндаларда ер юзидаги аҳолининг олтидан бир қисми ичимлик суви етишмас-лигидан озор чекмоқда. Ҳар неники исроф қилмаганларнинг ишларида унум бўлаверди, топганига барака қираверди. Зеро, бу табиатнинг қатъий қонунидир.

Дилмурод ҚИРФИЗБОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.



«АСАКА» банки (ОАЖ) ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келаётган Янги йил — 2010 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф қилади.



МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

«ЯНГИ ЙИЛ 2010»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кун берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

«СТАБИЛЬНЫЙ»

Еврода Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

«УНИВЕРСАЛ»

АҚШ доллариди Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кун берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- | | |
|-------------------------------|----------------|
| 1. Тошкент шаҳри филиали | (371)120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371)120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371)140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371)225-16-46 |
| 5. Сирғали филиали | (371)258-67-49 |
| 6. Тошкент вилоти филиали | (371)120-84-13 |
| 7. Андижон вилоти филиали | (374)224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374)233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374)229-97-53 |
| 10. Фарғона вилоти филиали | (373)224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373)237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373)432-10-11 |
| 13. Кўқон филиали | (373)552-61-04 |
| 14. Наманган вилоти филиали | (369)226-94-75 |
| 15. Навоий вилоти филиали | (436)223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436)573-18-78 |
| 17. Бухоро вилоти филиали | (365)223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365)770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилоти филиали | (366)231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366)234-17-96 |
| 21. Қашқадарё вилоти филиали | (375)221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилоти филиали | (376)770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361)223-72-47 |
| 24. Хоразм вилоти филиали | (362)226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилоти филиали | (367)225-44-03 |
| 26. Жиззах вилоти филиали | (372)226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

